

IJORCES

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF CONFERENCE SERIES ON EDUCATION
AND SOCIAL SCIENCES.**

**PUBLISHER: ÇORUM: O CERINT -INTERNATIONAL
ORGANIZATION CENTER OF ACADEMIC RESEARCH**

IJORCES

**International journal of conference series on education
and social sciences. (Online)**

January 2024

Science Editor: **Cetin Avcı**
(*Kadir Has University*)

Copyright © 2024

By Çorum: Ocerint -International Organization Center of Academic Research

All rights reserved.

Available at ijorces.org

Published:

Çorum: Ocerint -International Organization Center of Academic Research

ISSN 2717-7076

Bursa

Bursa, Turkey

Editorial Board Members

Prof. **Hakan Mete Dogan**, Tokat Gaziosmanpasha University, Turkey

Prof. **Afsun Sujayev**, Institute of Additive Chemistry of the ANAS, Azerbaijan

Prof. **Nadir Mammadli**, Azerbaijan Architecture and Construction University, Azerbaijan

Prof. **Munever Sokmen**, Konya Food and Agriculture University, Turkey

ELSEVIER



SSRN
Electronic Journals

Universal
Impact Factor



КАМЕРАЛ СОЛИҚ НАЗОРАТИНИ МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН Фойдаланилган ҳолда амалга оширишни ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Курбонов Мухиддин Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси хузуридаги
Фискал институти "Солиқлар ва солиққа тортиш"
кафедраси доценти (PhD)

Аннотация: Мазкур тадқиқотда Республика давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада автоматлаштириш орқали тадқиқот давомида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар камерал солиқ текшируви ва риск анализларда smart технологиялардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш, ушбу жараённи самарали амалга оширишда бошқа вазирлик ва идоралар билан электрон ҳамкорликни кучайтириш, маълумотларни таҳлил қилишда хорижда фойдаланилаётган имкониятларини маҳаллийлаштириш ва натижада солиққа оид ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ва солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда бартараф этилишини таъминлаш йўналишлари очиб берилган, ҳамда хуфиёна иқтисодиётни камайтиришга хизмат қилади.

Калит сўзлар: Камерал назорат, риск анализ, ахборот-коммуникация технологиялари, маълумотлар базаси, интеграция, автоматлаштириш, солиқ тўловчилар, давлат солиқ хизмати

Abstract: In this study, the scientific proposals and practical recommendations developed during the study by further automating the activities of the state tax service bodies of the Republic, improving the procedure for using smart technologies in camera tax audits and risk analysis, strengthening electronic cooperation with other ministries and agencies in the effective implementation of this process, analyzing data abroad directions for localizing the used opportunities and as a result preventing tax offenses and ensuring their independent elimination by the taxpayer are revealed, and serve to reduce the secret economy.

Keywords: Camera control, risk analysis, information and communication technologies, database, integration, automation, taxpayers, state tax service

Кириш

Мамлакат иқтисодиётини узоқ муддатли ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётган шароитда самарали солиққа тортиш тизими ва давлат солиқ хизмати органларининг уйғунлашган фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Давлат солиқлар ёрдамида ўз бюджетини тўлдиришдан ташқари, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ЯИМни қайта тақсимлаш, талаб ва таклифни рағбатлаштириш каби функцияларни бажаради.

Жамиятда солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир этилиши - давлат томонидан юқорида санаб ўтилган функцияларни тўлиқ ва сифатли бажарилмаслигига олиб келади.

Бугунги кунда солиқлар йиғилувчанлигини ошириш учун камерал назоратни амалга ошириш ва риск анализлар маълумотларини тўплайдиган базанинг такомиллашмаганлиги, давлат солиқ органларига мутасадди идора ва ташкилотлар томонидан ўз вақтида ва сифатли маълумотлар тақдим этилмаётганлиги, корхоналарнинг солиқ мажбуриятлари самарали усул орқали назорат қилинмаётганлиги, камерал солиқ текширувини оддий арифметик амаллар орқали

амалга оширилиши оқибатида солиқ назорати кўпроқ инсон омилига боғлиқ бўлиб қолмоқда.¹

Бу эса ўз навбатида мамлакатда хуфёна иқтисодий юзага келтирувчи омилардан бири ҳисобланади. Солиқ базасини яшириб, солиқдан қочиш, қинғир йўл билан даромадини кўпайтирган тадбиркор бозорда соғлом рақобат муҳитини бузади ва инсофли солиқ тўловчиларга ҳам иқтисодий ҳам ахлоқий зарар етказди. Бошқа томондан олиб қаралганда, солиқ органлари томонидан ҳуқуқбузарликка қарши кўрилган жазо-чоралари, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини ёмонлашишига, ўз бизнесини режалаштиришда изчиллик йўқолишига ҳам олиб келиши мумкин.

Бизнинг фикримизча бунга асосий сабаб, солиқ рискларини аниқлаш, баҳолаш ва олдини олиш чора-тадбирлари тизимлаштирилмаганлиги, ушбу йўналишга маълумотлар базасидаги ахборотларни инсон омилисиз самарали таҳлил қилиш воситалари мавжуд эмаслиги, ушбу йўналишга узвий боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларида бўшлиқлар мавжудлиги ва бошқа вазирлик ва идоралар билан ўз вақтида электрон ахборот алмашиш амалга оширилмаётганлигидадир.

Асосий қисим.

Рақамли технологиялардан фойдаланиш дунё бўйлаб тез ва кенг тарқалмоқда. 2015 йилги маълумотларга кўра, сўнгги 10 йилликда дунё бўйича интернет фойдаланувчилари 3 баробарга кўпайиб 3.2 млрд.ни ташкил этган. Аксарият ривожланган ва ривожланаётган давлатлардаги фуқаролар мобил технологиялардан, улар орқали ўқув юрти, электр-энергия, ичимлик суви каби тизимларнинг электрон хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга.

Бу шуни англатадики, ҳозирги кунда фуқаролар, хўжалик юритувчи субъектлар ва давлатлар ўртасида ўзаро электрон боғланиш имкониятига эга тармоқ мавжуд ва бу маълумотларни умумийлаштириш ва ўзаро фойдаланиш имкониятини яратади. Сўнгги 20 йилликда электрон маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, кузатиш ва тарқатиш бўйича сезиларли ривожланиш кузатилди. Ҳуқуматлар йилдан-йилга электронлашиб бормоқда.

Камерал солиқ текшируви тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (2020) 138-моддасида қайд этилган бўлиб, солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботини, молиявий ҳисоботни, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар ҳамда маълумотларни таҳлил қилиш асосида солиқ органи томонидан ўтказиладиган солиқ текшируви ҳисобланади.

Камерал солиқ текшируви солиқ Кодексининг 88-моддасида белгиланган даъво муддати ўтмаган солиқ даврларига нисбатан ўтказилиши мумкин. Камерал солиқ текшируви жараёнида солиқ органи солиқ тўловчидан (солиқ агентидан, учинчи шахсдан) ҳисобга олиш ҳужжатларини, тақдим этилган солиқ ҳисоботига ва ҳисобга олиш ҳужжатларига доир тушунтиришларни, шунингдек солиқ ҳамда йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ахборотни солиқ Кодексда назарда тутилган тартибда сўраб олиши мумкин.

Агар солиқ тўловчи камерал солиқ текшируви тугагунига қадар ушбу Кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган тартибда ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси ўзгартирилган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этса, камерал солиқ текшируви тақдим этилган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади.

Агар ўтказилган камерал солиқ текшируви якуни билан тақдим этилган солиқ ҳисоботида тафовутлар ва (ёки) хатолар аниқланган бўлса, солиқ органи солиқ тўловчига солиқ Кодексда белгиланган тартибда солиқ ҳисоботларига тузатишлар

киритиш талабномасини юборади.

Солиқ ҳисоботига тузатишлар киритиш ҳақида талабнома юборилган сана камерал солиқ текшируви тугатилган сана ҳисобланади. Агар ўрганиш ва таҳлил қилиш якунларига кўра тафовутлар ва (ёки) хатолар аниқланмаган бўлса ҳам камерал солиқ текшируви якунланган ҳисобланади.

Солиқ тўловчи тузатишлар киритиш тўғрисидаги талабнома олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда тегишли солиқлар ва йиғимлар бўйича аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ёхуд тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган холда аниқланган тафовутларнинг асосномасини солиқ Кодексда белгиланган тартибда тақдим этади.

Камерал солиқ текшируви қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, "Таҳлика-таҳлил" дастурий маҳсулоти натижасига кўра солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори ёки ўртача бўлганда;

солиқ органига жисмоний ва юридик шахсларнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳақидаги муружаатлари келиб тушганда;

солиқ ҳисоботидаги хато ва (ёки) солиқ ҳисоботидаги тафовутлар аниқланганда.

Солиқ тўловчи томонидан илгари тақдим этилган солиқ ҳисоботига нисбатан тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси камайтирилган ёки кўрилган зарар суммаси кўпайтирилганлиги сабабли, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этиш ҳолатлари бўйича ушбу солиқ тўловчида камерал солиқ текшируви ўтказилади. Бунда, камерал солиқ текширувини ўтказиш, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилган кундан эътиборан уч кун ичида бошланади.

Солиқ хавфи даражасини аниқлаш мезонлари ва солиқ тўловчиларни тоифаларга ажратиш тартиби

Солиқ тўловчилар солиқ хавфи даражасига қараб паст, ўрта ва юқори хавфли тоифаларга ажратилади.

Солиқ хавфи даражаси мезонлари махфий ахборот ҳисобланади, қуйидагилар бундан мустасно:

солиқ юки;

илгари тақдим этилган солиқ ҳисоботларига бир неча бор (бир ҳисобот даври учун уч ва ундан ортиқ марта) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши;

солиқ ҳисоботида бир неча солиқ давридаги (икки ва ундан ортиқ) зарарлар акс эттирилиши;

солиқ даври давомида солиқ тўловчининг жойлашган жойи бир неча бор (икки ва ундан ортиқ марта) ўзгартирилиши ва кейинчалик қайта рўйхатдан ўтказилиши;

қўшилган қиймат солиғи бўйича гувоҳномаси бекор қилинган (рўйхатдан чиқарилиб ташланган), шунингдек, тугатилган, фаолиятини амалга оширмаётган, банкрот деб топилган шахслар билан амалга оширилган битимлар (операциялар);

соф фойданинг харажатларга нисбати сифатида аниқланадиган рентабеллик кўрсаткичи паст даражада бўлиши;

солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботидаги операциялар тўғрисидаги маълумотларнинг, ушбу операциялар бўйича бошқа солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботидаги маълумотларга мос келмаслиги;

Солиқ кодексига асосан махсус солиқ режимларини қўллаш ҳуқуқини берадиган оборотларини бир неча йил давомида бир миллиард сўмдан паст миқдорда солиқ ҳисоботларини тақдим этиши;

ўтказилган солиқ текширувлари натижалари.

Солиқ юки, қуйидаги тартибда аниқланади:

$$B = T \times 100\% / I_n$$

Бунда:

B - солиқ юки;

T - солиқ даври давомида тўланиши лозим бўлган солиқлар суммаси;

I_n - солиқ даврида товарларни (хизматларни) сотишдан тушган даромад.

Солиқ юки кўрсаткичи иқтисодий фаолият турлари бўйича аниқланади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача солиқ юки кўрсаткичи Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида ҳар йили эълон қилиниб борилиши шарт.

Қурилиш соҳасида фаолият юритадиган солиқ тўловчиларнинг хавф даражаси қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

қурилиш ишларини амалга ошириш учун лозим даражада ходимлар, омбор, транспорт ва ускуналар билан таъминланмаганлиги;

ишларни бажариш учун солиқ ҳисоботларида зарур харажатларнинг акс этмаслиги;

битта объектда, қурилиш ишларини олиб борувчи шахсларнинг ўзаро боғлиқлиги;

қурилиш ишларини амалга оширувчи янги ташкил этилган солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига йирик миқдордаги маблағ келиб тушуши;

хом ашё ва материалларни сотиб олиш учун ажратилган маблағларнинг қурилиш ҳажмига нисбатан номутаносиблиги;

туғалланган қурилиш объектларининг таннархига яқин нархларда сотилиши;

марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган қурилиш объектларида харажатларнинг тўлақонли акс этирилмаганлиги.

Солиқ хавфи даражаси солиқ хавфи мезонлари асосида аниқланади, уларга 1 дан 100 гача бўлган баллар берилади. Бунда ҳар бир мезон бўйича балл бериш Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаолият тури бўйича сегментланиши ва солиқ даври учун олинган даромад миқдорида қараб белгиланади.

Солиқ хавфи даражасига қараб солиқ тўловчилар Дастур орқали солиқ хавфи даражасини аниқлаш мезонига белгиланган баллар ва потенциал солиқ хавфи асосида баҳоланади ҳамда тоифаларга ажратилади.

Солиқ хавфи даражаси қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$R = S_r / S_p \times 100\%$$

Бунда:

R - хавф даражаси (фоизда);

S_r - солиқ тўловчига берилган хавф баллари йиғиндиси;

S_p - хавф даражасини аниқлашда қўлланган потенциал солиқ хавфи баллари йиғиндиси.

Бунда солиқ хавфи даражаларини баҳолаш натижалари юқоридан камайиш тартибида, баҳолаш натижалари тенг бўлганда эса - тўланмаган солиқ суммаси эҳтимоли асосида қуйидагича тоифаланади:

81 фоиздан 100 фоизгача - юқори хавф;

30 фоиздан 80 фоизгача - ўрта хавф;

1 фоиздан 29 фоизгача - паст хавф.

Солиқ хавфи даражаси юқори бўлган солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ аудити тайинланади. Солиқ хавфи даражаси ўрта ва паст бўлган солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ органлари томонидан Солиқ кодексига назарда тутилган бошқа солиқ маъмурчилиги тадбирлари қўлланилади.

Солиқ хавфи даражасини аниқлаш даврийлиги

Солиқ тўловчининг солиқ хавфи даражаси солиқ хавфини бошқариш тизими

асосида олти ойда бир марта аниқланади.

Солиқ хавф даражаси юқори бўлмаган солиқ тўловчилар томонидан ўттиз календарь кундан ортиқ солиқ қарздорлиги тўланмаган тақдирда солиқ хавфи даражаси ҳар чоракда бир марта аниқланиши шарт.

Солиқ тўловчини аниқланган солиқ хавфи даражаси мезонлари ҳақида хабардор қилиш тартиби ва муддатлари

Солиқ хавфини бошқариш тизимида махфий бўлмаган мезонлар орқали аниқланган солиқ хавфи даражаси мезонлари ҳақидаги маълумотлар Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Солиқ тўловчилар зарур ҳолларда солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали солиқ органларига солиқ хавфи даражаси мезонлари бўйича тушунтиришлар юборишга ҳақли.


Ушбу Низомнинг 18-бандида назарда тутилган солиқ органлари томонидан олинган солиқ тўловчиларнинг тушунтиришлари, солиқ хавфини бошқариш тизимини қўллашда ва солиқ хавфини тузатишда ҳисобга олиниши мумкин.

Камерал солиқ текширувида смарт технологиялар қандай ва қайси асос ҳужжатларга асосан солиқ органларининг маълумотар базасида шакилланади?

2019 йил якунига қадар амалда бўлган солиқ Кодексининг 84-моддасида "Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этадиган органлар ва ташкилотлар ҳамда уларнинг мажбуриятлари" белгиланган эди.

Маълумотлар базаси структураси

3-расм



2020 йилга келиб эса солиқ Кодексининг янги таҳрири тасиқланиб солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этадиган органлар ва ташкилотлар ҳамда уларнинг мажбуриятлари 133 ва 134-моддаларда белигилаб қўйилди.

Хулоса ва таклифлар.

- Смарт технологиялар маълумотлар базасини тўлиқ, мукамал ва ўз вақтида шакллантирилишини таъминлаб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг

215/3-моддасига тегишли ўзгартиришлар китирилгани холда маълумотларни тақдим этадиган корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини солиқ агентлари масъулиятига тенглаштириш ҳамда жавобгарлигини ошириш, хато тақдим қилган, маълумотларни тўлиқ ёки умуман тақдим этмаган ташкилотларга



нисбатан кескин чоралар кўрадиган механизмни назорат қилишни кучайтириш ва чора кўриш ваколатини юқори турувчи давлат органларига ўтказиш лозим.

- АВ-1321-сонли низомига ўзгартириш киритган холда, хўжалик юритувчи субъектларни йирик миқдордаги банк айланмаларни айланма амалга оширилган бир вақтнинг ўзида, айнан шу субъект томонидан йирик миқдордаги айланма амалга оширилгандан сўнг маълум муддат учун барча айланмаларини ва контрагент ташкилотнинг ҳам ўтказиб берилган пулни нима мақсадларга сарфланиши бўйича айланмаларни, миқдоридан қатъий назар, инсон омилисиз онлайн равишда Тижорат банкларнинг бош идоралари орқали эмас, Марказий банк томонидан Давлат солиқ қўмитасининг ташқи манба маълумотлар базасига тақдим этиш лозим.

- Солиқ Кодексининг 134-моддаси назарда тутилган маълумотларни тижорат банклари томонидан Солиқ органининг банк мижозига нисбатан ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровига биноан банк ёзма сўров олинган кундан эътиборан уч кун ичида тақдим этиш тартибига ўзгартириш киритган холда, Мазкур маълумотлар бевосита солиқ солиш билан боғлиқ, шунинг учун ушбу маълумотларни инсон омилисиз онлайн тақдим этилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1.Artemenko D.A., Aguzarova L.A., Aguzarova F.S., Porollo E.V. (2017) "Causes of Tax Risks and Ways to Reduce Them". Pages 454-458.

2.OECD (2020), "Tax Administration 3.0: The Digital Transformation of Tax Administration". Pages 10-24.

3.Кодекс (2019) Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси. / Code (2019) Tax Code of the Republic of Uzbekistan in the new edition.

4.Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги "Яширин иқтисодий қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-6098-сон. / Decree (2020) of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 30, 2020 No PD-6098 "On organizational measures to reduce the shadow economy and increase the efficiency of tax authorities." www.lex.uz

5.Қарор (2010) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги "Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-1257-сон. / Resolution (2010) No. PR-1257 of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 8, 2010 "On measures to further modernize the system of tax authorities of the Republic". www.lex.uz

6.Қарор (2012) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ1843-сон. / Resolution (2012) No. PR-1843 of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 30, 2012 "On measures to further increase the efficiency of the information and communication system of the state tax service of the Republic of Uzbekistan."www.lex.uz